

КИБЕРМАКОНДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МУЛКИЙ ЗИЁННИ УНДИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

Қобулов Бекзод Шерали ўғли

b.kobulov@bk.ru

Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда, давлат бошқаруви, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига замонавий ахборот коммуникация технологиялари жорий этилиши аҳолига қулайликлар яратмоқда. Ушбу жараёнларнинг рақамлашиши энг аввало кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлашга ҳамда вақт ва моддий ресурсларни тежашга хизмат қилмоқда.

Шу билан биргаликда, рақамли технологияларни кенг татбиқ этилиши жамият ҳаётининг ривожланишига ва турли қулайликни яратишга замин яратиши билан биргаликда, турли жиноий гуруҳлар ва жиноятчиларнинг ўз жиноий мақсадларини амалга оширишига ҳам қулайлик яратмоқда. Натижада кибермаконда содир этилаётган жиноятларнинг мамлакатимиз умумий жиноятчилиги статистикасидаги улуши ортмоқда.

Ҳозирда терроризмни молиялаштириш, гиёҳвандлик воситаларининг контрабандаси ва қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноий қилмишларни амалга оширишда моддий ресурсларнинг айланмаси крипто-активлар орқали амалга оширилмоқда. Крипто-активлар ҳаракатланиш занжирларини яширин эканлиги, фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларни анонимлиги ва аксарият ҳолатларда крипто-активлардаги молиявий операцияларни тартибга солишда давлат аралашуви ва назоратининг етарли эмаслиги жиноий гуруҳларга ўзаро молиявий пул айланмаларини амалга оширишда қўл келмоқда.

Маълумки жиноятчиликка самарали қарши курашиш учун аввало зарур ҳуқуқий механизмларни мавжуд бўлиши талаб этилади. Ушбу механизмлар эса қонунчилик ҳужжатлари нормаларида ўз аксини топади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йиллардаги амалдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, замонавий жиноятчилик шаклларига самарали курашишга ва шахс ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилишини кучайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 764-сон Қонуни қабул қилиниб,

киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-899-сон қонуни билан **крипто-активлар айланмаси** соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ва **қонунга хилоф равишда майнинг фаолиятини амалга ошириш** учун **маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.**

2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига рақамли (электрон) далил тушунчаси, электрон далилларни аниқлаш, тўплаш, тақдим қилиш, текшириш, баҳо бериш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ва бу жараёнда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ тегишли нормалар киритилди.

Бундан ташқари, 2024 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг “*Терговга қадар текширувни амалга оширишда ва жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган крипто-активларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ҳамда топшириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*”ги 3591-сон Қарори асосида амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу Йўриқноманинг 16-бандида крипто-активларни олиб қўйиш ва хатлаш уларни суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларининг крипто-ҳамён манзилига ўтказиш орқали амалга оширилиши белгиланган. 1-бандида эса крипто-актив - маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндисини ифодаладиган, қиймати ва эгасига эга бўлган мулкый ҳуқуқ (масалан, “Bitcoin”, “Ethereum” ва бошқалар) деб таъриф берилган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра, хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.

Бундан кўринадики, судга қадар иш юритувида крипто-активларни олиб қўйиш ва хатлаш жараёнида шахснинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланган мулкый ҳуқуқларини чеклаш жараёни процессуал-қонунчилик билан тартибга солилмаган ҳамда ушбу жараённинг қонунийлигини назорат қилиш учун на прокурор ва на суд назорати мавжуд эмас.

Хулоса ўрнида шуни кўрсатиш мумкинки, амалдаги қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш шахснинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ишончли ҳимоя қилиш механизмларини яратиш мақсадида жиноят-процессуал кодексига крипто-активларни олиб қўйиш ва хатлаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ушбу процессуал ҳаракатларнинг қонуний ва асослигини таъминлаш учун суд назоратини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 764-сон Қонуни. Тошкент-2022.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-899-сон Қонуни. Тошкент-2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. Тошкент-2024.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг “Терговга қадар текширувни амалга оширишда ва жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган крипто-активларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ҳамда топшириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 3591-сон Қарори. Тошкент-2024.